

Президентнинг йўлларни кўкаламзорлаштиришга доир янги қарори



2017 йилнинг 11 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Автомобиль йўллари"даги кўкаламзорлаштириш ва меъморий-ландшафт қурилмалари тизимларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори имзоланди.

Мазкур қарор автомобиль йўллари қурилмаларнинг меъморий-бадиий сифатини тубдан ошириш, Республикаиз автомобиль йўллари бўйлари қўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини – йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси масалаларининг замонавий талабларига жавоб берган ҳолда, ягона тизимли ва комплекс асосда шакллантириш сифатини тубдан ошириш мақсадида қабул қилинди.

Қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси қошидаги "Автойўлқўкаламзорлаштириш" корхонаси "Ўзйўлқўкаламзорлаштириш" унитар корхонасига айлантирилди.

Қабул қилинган қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси марказий аппарати тузилмасига – кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш масалаларига жавоб берадиган раис ўринбосари лавозими қўшилади ҳамда у бир пайтнинг ўзида "Ўзйўлқўкаламзорлаштириш" унитар корхонаси директори ҳисобланади. Шунингдек, қўмита таркибида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бошқармаси ҳам ташкил этилади.

Қарор билан "Ўзйўлқўкаламзорлаштириш" унитар корхонасининг ташкилий тузилмаси ҳамда корхонанинг худудий бўлинмалари намунавий тузилмалари ҳам тасдиқланди.

[Автомобиль йўллари давлат қўмитаси](#)

[матбуот хизмати](#)